
Спорт мусобақаси ўтказилди

Бугун Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил топганининг 30 йиллиги муносабати билан Тошлоқ тумани халқ таълими бўлими ва туман Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти билан ҳамкорликда спортнинг ҳаволи милтиқдан ўқ отиш тури бўйича 51 та умумтаълим мактабларининг қаҳриққача қадар башланғич таълим раҳбарлари, 1 нафар ўғил боллар ва 1 нафар ўқувчи қизлар ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.

Мусобақада 126 та ўқувчи иштирок этди. Ўғил боллар ўртасида 1-ўринни 2-ИДУМ ўқувчиси Мўйдинов Акбархон, 2-ўринни 30-мактаб ўқувчиси Азимов Акрамхон ва 3-ўринни 29-мактаб ўқувчиси Раҳимов Муҳаммадқодирларга насиб қилди.

Шунингдек, қизлар ўртасида 1-ўринни 2-мактаб ўқувчиси Одилжонова Фотимахон, 2-ўринни 3-мактаб ўқувчиси Тўланбоева Мадинахон ва 3-ўринни 5-мактаб ўқувчиси Мухторова Фотимахонлар эгалладилар.

ЧҚБТ раҳбарлари ўртасида 1-ўринни 16-мактаб ЧҚБТ раҳбари Обидов Ахмадали, 2-ўринни 3-мактаб ЧҚБТ раҳбари Холматов Хайрулло ва 3-ўринни 49-мактаб ЧҚБТ раҳбари Абдуллаев Абдувоҳидлар муносиб топилди.

Мактаб жамоалари ўртасида 1-ўринни 3-мактаб, 2-ўринни 2-мактаб ва 3-ўринни 27-мактаб жамоалари эгалладилар.

Ғолибларга Ватанпарвар ташкилоти ва халқ таълими бўлимининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тошлоқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-01-10 17:44:12